O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 21 февраль, № 37 (4190) Чоршанба

Ўзбекистон – саноати ривожланган мамлакат

Халқимизда "Чавандознинг донгини тулпори кўтаради" деган нақл бор. Шу маънода Ватанимиз шон-шуҳратини, унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтирувчи кўплаб мезонлар бор. Жумладан, юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ва жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар ҳам шулар сирасига киради.

«Кварц»нинг қуввати ошмоқда

Қувасой мамлакатимиздаги саноати ривожланган шаҳарлардан бири ҳисобланади. Бу ердаги ўнлаб корхоналарнинг рақобатбардош маҳсулотлари ички бозорни тўлдирибгина қолмай, улар экспорт ҳам қилинмоқда. Салкам 3300 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган "Кварц" акциядорлик жамиятида ҳозирда шиша буюмлар, рангли ва қорайтирилган ойналар, турли ҳажмдаги банкалар, шунингдек, автомобилсозлик саноати учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона маҳсулотларининг сифати ҳақида гап кетганда, 2005 йилда "Ўзбекистоннинг энг яхши корхонаси" танловида ғолиб топилгани, шунингдек, Париж, Москва, Бишкек шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларнинг олтин медалини қўлга киритгани ҳам унинг салоҳиятидан дарак беради. Бундан ташқари, корхона ICO 9001:2000 сифат менежменти сертификатини ҳам қўлга киритган.

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда корхонада ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этиш анъанага айланди. Хусусан, Германиянинг "Эмхарт" компанияси технологияси асосида янги линия ишга туширилгач, корхонанинг қуввати ошиб, йилига 120 млн. дона шиша идиш ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Эътиборлиси, "Кварц" акциядорлик жамиятининг 5 та асосий ва 9 та қўшимча цехларида ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотларнинг хориж бозоридаги савдоси кундан кун чаққонлашмоқда. Бу шубҳасиз, корхонага ҳам обрў, ҳам иқтисодий фойда келтиради.

СУРАТЛАРДА: ойна пишириш цехи оператори Эрматжон Саидбеков; шиша идишлар ва банка ишлаб чиқариш цехи ишчиси Розияхон Назирова иш пайтида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

2006 йилда

машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида — 25,7%



кимё ва нефть-кимё саноатида — 19,6%

озиқ-овқат соҳасида — 28%



енгил саноатда — 20%

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар халқимиз томонидан асрлар давомида асраб-авайлаб келинмоқда.

Бу қутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётганини, айниқса, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек, минг-минглаб ноёб қўлёзмалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бу савобли ишга ҳисса қўшиш ва унда иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармаси таъсис этилгани маълумот учун қабул қилинсин ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Жамғарманинг мамлакатимиздаги ташкилотлар, идоралар, корхоналар, тижорат банклари ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи иловага мувофиқ эътиборга олинсин.

2. Жамғарма Ҳазрати Имом мажмуасида қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган даврда буюртмачи сифатида фаолият юритиши, унинг асосий вазифаси мажмуа ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашиш учун зарур маблағларни тўплаш ва уларнинг мақсадли равишда сарфланишини таъминлашдан иборат экани белгилаб қўйилсин.

3.Жамғарма нотижорат ташкилот бўлиб, унга нотижорат ташкилотлар учун қонунчиликда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилади.

4.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 15 кун муддатда Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг Низомини ўрнатилган тартибда рўйхатга олсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

6.Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ҳазрати Имом мажмуасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш, ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 февраль

НАВРЎЗ ҲАШАРИ

Қашқадарё вилоятининг барча шаҳар ва туманларида наврўзолди умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида Наврўз байрамига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилган хайрия ҳашарида барча қашқадарёликлар фаол иштирок этди. Кўча ва хиёбонлар тозаланди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Суғориш тармоқлари тартибга келтирилди.

Бундай тадбирлар «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни намоён этишга хизмат қилади. Умумхалқ ҳашаридан тушган маблағ кам таъминланган оилалар, ногиронлар, "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига байрам совғалари тайёрлаш ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Ватан олдидаги ўз хизмат бурчини ўтаётган қашқадарёлик аскарлар ҳузурида хайрия тадбирларини ташкил этиш учун йўналтирилади.

А. МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири.

Ҳудудлар ҳиссаси қандай бўлмоқда?

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳар бир ҳудуд Ватанимиз иқтисодий тараққиётига қандай ҳисса қўшганлигини тўла англаб олиши, келгуси вазифаларни белгилашда ушбу улуш салмоқли бўлиши тадбирлари кўрилишини таъкидлаганди. Кеча мамлакатимиз минтақаларида Президент маърузасида баён этилган йўл-йўриқ ва кўрсатмалари асосида муҳокамалар бошланди.

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикасини 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётда мулкдорлар мавқеини мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий ҳимоя нуфузини ошириш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Жўқорғи Кенгес Раиси, Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари М. Ерниязов ўз маърузасида ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини муҳтарам Президентимиз белгилаб берган устувор йўналишлар асосида ривожлантириш юзасидан бажарилган ишларга кенг тўхталди.

Мустақил мамлакатимизда бўлгани каби, Қорақалпоғистонда ҳам якунланган йилда макроиқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, халқ хўжалигини модернизация қилиш борасида салмоқли қадамлар қўйилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Хусусан, 2006 йилда Қорақалпоғистоннинг ялпи ҳудудий маҳсулоти аввалги йилдагига нисбатан 106,3 фоиз ўсди.

Мажлисда аграр секторда эришилган бу ютуқларнинг бош омили қишлоқ мулкдорлари синфи, мамлакат иқтисодиётининг таянчи ва суянчи — фермерлар мавқеи янада мустаҳкамланганида эканлиги таъкидланди. Айни чоғда фермер хўжаликлари ва агрофирмалар сонининг кўпайишига эмас, балки уларнинг барқарор оёққа туриши, мамлакат бойлигига қанчалик бойлик қўшаётганига устувор аҳамият бериш зарурлигига эътибор қаратилди. Гап шундаки, айнан шу йўналишда йўл қўйилган камчиликлар оқибатида ер ҳамда меҳнат ресурслари нисбатан юқори бўлган Тўрткўл, Беруний ва Хўжайли туманларида пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолди. Бир пайтлари бошоқли дон етиштиришда мактаб яратган Нукус туманида эса давлатга ғалла сотиш режаси барбод бўлди.

Ҳисобот даврида, шунингдек, Қорақалпоғистон иқтисодиётининг ўзак тармоқларидан бири ҳисобланган саноатда 175 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2005 йилдагига нисбатан 110 фоиз ўсишга эришилди. Бироқ саноатдаги бугунги ўсиш-ўзгаришларни юксак талаблар даражасида, деб бўлмайди. Хўжайли, Манғит, Беруний, Бўстон, Тўрткўл шаҳарларидаги тўқимачилик мажмуалари ҳамон лойиҳа қувватларига эриша олмаяпти. Қорақалпоғистон пойтахтида эса енгил саноат ривожини юқори поғонага кўтаришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шу муносабат билан 2007 йилда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравар кўпайтириш, хорижий сармояларни жалб этишни тубдан чуқурлаштириш вазифалари белгиланди. Ёғмой саноатидаги таркибий ўзгаришлар суст эканлиги, янги технологиялар билан жиҳозлаш орқада қолганлиги қайд этилди. Айниқса, хориж сармояларидан фойдаланиш борасида Қораўзак, Нукус, Шўманай туманларида юзага келган қолоқлик йиллар давомида бартараф қилинмаяпти. Мажлисда Нукус туманида ичимлик сув тармоқларини бунёд этиш режаси 72 фоизга бажарилгани қаттиқ танқид қилинди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистоннинг ерости бойликларини ўзлаштириш, хусусан, углеводород захираларини мамлакат манфаатларига бўйсундиришда илғор хориж сармоя ва технологияларидан самарали фойдаланиш зарурлиги, бу борадаги дастлабки қадамларга қанот бахш этиш лозимлиги уқтирилди.

Ўтган йили Қорақалпоғистонда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга жами 209 миллиард сўмлик инвестициялар киритилди. Натижада янги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қад ростлади. Лекин, афсуски, Чимбой, Хўжайли ва Нукус туманларида қурилиш кўлами камайиб кетди. Айрим гўзал, муҳташам касб-ҳунар коллежларида эса ўқув жараёнлари суст, мураббийлардан бир қисмининг ўзи малакага муҳтож эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Мажлисда «Мустақил мамлакатимиз иқтисодиётида Қорақалпоғистоннинг улуши қандай бўляпти?» деган саволга жавоб ахтарилди. Мажлис олдидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг видеотасвири кўрсатилди. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон халқининг ҳаётини янада фаровон қилишнинг устувор вазифалари белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Англия олимлари турмуш қуриш инсонга фойдали эканлигини яна бир бор исботлашди. Беш йил давом этган тадқиқотнинг кўрсатишича, оилада бирга яшаётган эркак ва аёлларнинг саломатлиги бўйдоқлар ва турмушга чиқмаган аёлларга нисбатан яхши экан. Чунки ёлғиз ҳаёт кечираётган одамларнинг турмуш тарзи меъёрда бўлмайди ва уларнинг соғлиғига қарайдиган ҳамдард йўқ. Турмуш қурган одам, одатда, эътиборда ва самимий ҳаёт кечиради.

Ёшлар тарбияси — ижтимоий ҳимоя

Юртбошимиз 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг фарзандларимизнинг билимдон ва саводли бўлиб етишишларидаги ўрнини алоҳида фахр билан таъкидладилар: ***«Бугун мана шу дастурни бутун дунё эътироф этмоқда. Лицей ва коллежларни битирган минг-минглаб ёшларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам муваффақиятли ишламоқда.***

Шу маънода айтиш мумкинки, мана шу ўн йил биз учун бекор ўтгани йўқ. Бу ишларимизнинг дастлабки ҳосилини кўра бошладик. Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин».

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИНИ ЎҚИБ...

Ушбу сўзларни ўқир эканман, беихтиёр ўзимнинг ўқувчилик давримни эслаб кетдим. Олтиариқ тумани, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Муқимий номли 3-саккиз йиллик мактабимиз, нари борса, ўнта синф хонасидан иборат эди. Ёзда иссиқ, қишда совуқ бўларди. Агар қоровул саҳар туриб, печкага кўмир ташлаб қўймаса, дарс давомида дилдираб ўтирардик. Директор хонасида оддий ёзув машинкаси ҳам йўқ эди. Саккиз йил давомида жисмоний тарбия дарсини мактабнинг орқа томонидаги чуқурликка тўкиб қўйилган қумга сакраш билан ўтказганимизни бугун алам билан хотирлайман, негадир хўрлигим келади. Ҳаттоки ўғил болалар учун бирорта футбол тўпи ҳам бўлмаган экан. Кузда сентябрь ойи бошлариданоқ 5-8 синф ўқувчилари ёппасига пахта теримига чиқиб кетганича, ноябрь охирларида қайтишарди. Мавсум авжида бошланғич синф ўқувчилари ҳам далага олиб чиқиларди. Баҳорда эса дарсдан сўнг ғўзани яганалаш, қатқалоқни юмшатиш билан овора бўлардик. Ўқувчининг кийим-боши, пойабзали тўзгани, ёмғиру жалаларда қолиб, шамоллагани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Тўғри, ўқитувчиларимиз ачинишарди, лекин улар ҳам иложсиз эдилар. Бундан ташқари, мактаб жамоаси зиммасига пилла қурти тутиш юклатилган бўлиб, унинг барча ташвишларини ҳам ўқувчилар бажарарди. Ўша йиллардан қолган энг ёрқин ва ягона ширин хотира — ўқитувчиларимизнинг фидойилик билан билим бериши ҳамда талабчанлигидир. Каттакатта ҳарфларда ёзилиб, кўзга кўринарли жойларга илиб қўйилган «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» шиори фақат қоғоздагина жозибадор эди, холос...

Бугун бу гапларга биринчи синф боласи ҳам ишонмайди. Гапирсангиз, эртакдай туюлади. Чунки у мутлақо янгича давр ва янгича шароитда туғилиб, яшаб, илм олмоқда. Чиройли стол-стулларда ўтириб, дарс тинглайди, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган махсус фан кабинетларида лингафон ёрдамида хорижий тилларни ўрганади, компьютер билан тиллашиб, дунё янгиликларидан хабардор бўлади, мактубини факс ёхуд электрон почта орқали жўнатиб қўя қолади.

Бу — тараққиёт маҳсули. Тараққиёт ўзўзидан пайдо бўлиб қоладими? Юртимизда барча соҳаларда юз бераётган ривожланиш ва тараққиёт одимлари мустақиллик йилларидан бошланди. Ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўтиш даврининг мавжуд қийинчиликларига қарамасдан янги авлод учун кўпдан-кўп замонавий билим масканлари барпо этилгани, халқаро миқёсда ёшлар фестиваллари, нуфузли кўрик-танловлар, илмий конференциялару симпозиумлар ўтказиш анъанавий тус олгани ҳаммамизга аён. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда соғлом ва баркамол, мард ва жасур, билимли ва доно, юртсевар ва ватанпарвар авлодни тарбиялаб, вояга етказишнинг ўзига хос янги тизими яратилди. Бугунги кунда Юртбошимизнинг доимий ғамхўрлиги ва меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлаётган минг-минглаб ёшларимиз ўз иқтидорлари билан Ватанимиз шарафини бутун дунёга таратмоқдалар. Техника фанлари номзоди, Франциянинг қатор ташкилот ва компаниялари-рида ўқув тайёргарлигини ўтаган Фарҳод Мамарасулов, 1998 йили Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган БМТнинг ЮНЕСКО йўналиши бўйича 33-халқаро ёшлар йиғини иштирокчиси Сардор Тиллахўжаев, Канагава (Япония) шаҳрида Хиросима қурбонларига бағишланган ижодкор болаларнинг халқаро кўрик-танловида «Ёз» расми учун Гран-при соҳиби бўлган Мадина Толипова, Жавоҳарлаъл Неру олтин медали соҳибаси Нурхон Зиёхонова, халқаро болалар фестивали (Карачи, 1998 йил) ғолибаси Наргиза Маҳкамбоева, шахмат бўйича қизлар ўртасида уч карра Ўзбекистон биринчилиги ғолиби, Осиё биринчилигининг бронза медали совриндори, жаҳон биринчиликлари қатнашчиси Юлдуз Ҳамроқулова каби ўғил-қизларимиз ўз соҳаларида биринчи бўлиб, катта довонларни забт этмоқдалар. Улар билан ҳар қанча фахрланса, ифтихор қилса, арзийди.

Ватанга муносиб фарзанд бўлмоқликни теран англаган, эл-юрт хизматига маҳкам бел боғлаган бундай фидойи ёшларга Юртбошимиз катта ишонч билдириб, умумбашарий камолотга ўз ҳиссасини қўшиши учун шарт-шароитлар яратиб, «Қадри баланд ўғил-қизларим!» деб эъзозлайди. Ва яна дейдиларки: **«Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун азим дарахтларга айланди. Улар кўзни қувонтириб, мана шундай ажойиб ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи, бахту иқболи ҳали олдинда. Она Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажаги буюкдир».**

Дарҳақиқат, шундай! Жаҳон майдонида ёшларининг ўз ўрни, ўз овози ва мавқеи бўлиши учун курашаётган давлатда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас!

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

АДИБ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, китобхонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, ёзувчи Х.Дўстмуҳамедов, адабиётшунос олимлар Н.Каримов, У.Норматов ва бошқалар ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиблар ижодини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил 8 январдаги «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин намунасидир.

Абдулла Қаҳҳор ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эгадир. Атоқли адиб миллий адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш баробарида жаҳон адабиётининг дурдона намуналарини она тилимизга маҳорат билан ўгирган.

Анжуманда «Ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўрни», «Адиб ҳақида хотиралар», «Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик маҳорати» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Кўнгил баёни

Санъат МАҲМУДОВА.

Миллийлик — халқимизнинг олий қадрияти

ёки дўппи кийишдан ор қилган жиянимга

Талаба бўлган жиянимни табриклаб, чуст дўпписи совға қилдим. У эса дўппини шу заҳотиёқ бошидан олиб, четга қўйди. «Эйй, бизда ҳеч ким дўппи кийиб-майди», деди. «Нега энди, сен Миллий университетда ўқияпсан. Ўзбек ўғлонисан. Қолаверса, йигит кишига дўппи ярашади. Бошингни шамолдан, сочингни чангдан асрайди. Ҳеч ким киймаса-да, сен кийиб бор!» дедим. «Йўқ!» — қатъий жавоб берди у — «Қишлоқи бир талаба дўппи кийиб келган эди, азадормисан, нима бало, деб қизлар роса кулишди».

Хўрсинаман. Дўппи совға қилганимга пушаймонлар ейман. Қишлоқ йигитига кулган ўша қизларнинг либослари кўз ўнгимдан ўтади. Елка очиқ, киндик, бел очиқ, ниҳоятда тор шим... Қаёқда қолдинг-ей, этаклари ҳилпиллаган ўзбекча кўйлагим?! Тор шимларда ўзларида борини тобора кўпроқ кўзкўз қилишларига нега лоқайдмиз?! Улар ҳақиқатан ҳам ўзбек қизларимиз?!

Миллий кутубхона деймиз. Миллий банк. Миллий университет. Миллий театр. Миллий кино... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Жуда чиройли ярашади шундай номланиши ва бу сўз дилингда ғурур, ифтихор, катта масъулият туйғуларини уйғотади. Ўзбекистон деб аталмиш улуғ, бепоён Ватанингни доимо ёдингга солиб, унга муносиб бўлишингни таъкидлаб туради. Лекин... ўша миллий даргоҳларда ишлаётган, ўқиётган ё ижод қилаётган одамларнинг ҳаммасида ҳам шундай ғурур, шундай масъулият, фахр-ифтихор туйғулари барқарормикан?! Нега шунчалар тараққиётга эришган Японияда қизлар, аёллар ўзларининг миллий либослари, яъни ёқаси ёпиқ, енглари узун кимоноларидан воз кечганлари йўқ?

Қишин-ёзин соч ёйиб юриш ҳам қизларимизга урф бўлиб кетди. Қора қошлар, шаҳло кўзлару пешона устида соч, нозик елкаларда ёйиқ соч. Кўчакўйдаги аҳволга чидаш мумкиндир. Лекин уйда, қозон бошида, дастурхон атрофида, ловуллаб ёниб турган газ плитаси қаршисида, айниқса, ёш болани қўлларига олганларида сочлари ёйиқ...

Миллийлик — бу эътиқод, бурч, ибо-ҳаё, бағрикенглик, сабр... дегани. Миллийлик бу ўзбекона қадриятларимизни, урф-одатларимизни сақлаш, риоя қилиш, уни янада бойитиш ва ҳар биримиз бундай хусусиятларни аввало ўзимизда намоён этиб, ўзлигимизни таниб олиш, буни юракдан ҳис этиш, демакдир.

Инсонлар юрагини бир-бирига занжирдек мустаҳкам боғлайдиган, эзгулик яратадиган ҳашар, деб аталмиш биргина қадриятни олайлик. Маҳалла аҳли, қариндош-уруғлар йиғилиб, бир кунда, яъни, бор-йўғи 6-7 соат ичида оламжаҳон ишларни бажариб қўйишади. Масалан, икки-уч хонаолик уйнинг девори тикланади, ё томи ёпилади. 15-20 сотихли томорқадаги экин чопиқдан чиққан. Ёки шунча ердаги буғдой ўриб олинган, картошка ковланиб, қопларга солинган. Энг муҳими, тушлик учун ёзилган каттакон дастурхон атрофидаги аҳиллик, ҳазилмутойиба, меҳр-оқибат жилваларини, қувончларини Фарғона водийсининг экинзорлари, боғлари Катта Фарғона каналидан сув ичади. Халқ ҳашари билан бунёд этилган шу канал қурилишида ишлаган кекса отахоннинг гапини қаранг.

— Шу канал бўйларида салқинлаб ўтирсам, халқимизнинг катта, бемисл ҳашари кўз олдимга келади. Юсуф қизиқнинг, Ҳалимахону Тамарахонимнинг, Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовларнинг овозларини эшитгандай бўламан. Канал уларнинг қўшиғи, уларнинг меҳри билан тез кунда битган.

Қаранг, ўзбекка хос ғурурнинг жозибасини. Миллатимиз шаънини, шуҳ-ҳини улуғлаш санъатини!

Бизнинг ўзбеклигимиз, ўзбекистонлик эканимиз ҳимматимизда, кийинишу феъл-атворимизда, ҳаракатларимиз, фикрларимизда, тилимизда кўриниб, билиниб турса қандай соз! Ўрисча-ю, ўзбекчани аралаш-қуралаш қилиб гапириш ўзбекка хос эмас. Аввало, ўзбек тилини, унинг жозибасини, жилваларини мукаммал билиб олайлик. Рус ва бошқа тилларни ўргансак, билсак — нур устига аъло нур. Ҳаммаси ўз ўрнида керак.

Фикр сустлиги, маънан ожизлик, китоб ўқимаслик, ота-боболаримиз кимлигини билмаслик, уларга муносиб бўлмаслик ўзбекка ярашмайди. Ота-оналарнинг кўзига тик қараб гап қайтариш, жеркиш ўзбекка хос эмас. Ёшликнинг энг қимматли соатларини дискотекаларда, қаҳвахоналарда, компьютер ўйинларида ўтказиб юбориш нодонликдир.

Баъзи ёшларнинг пандфаслари билан дуо-фотиҳа беришларини ўтиндим. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим».

Изоҳга ҳожат йўқ, қанчалар улуғ гап. Йўлкира қиммат, бозор иқтисоди, деб бир-бировимизникига бормасак, ҳолимиздан хабар олмасак, меҳр улашмасак — яшашнинг маъноси қоладими?! Ахир асрлар давомида ўзбек халқи «Меҳри дарё!» деган таърифу тавсифга муносиб бўлиб келган. Оддий одамларга, кексаларга, беморларга дардкашлик, саховатпешалик удумларига қаттиқ риоя қилишган улар. Ҳайит кунлари, Наврўз байрамларида ота-оналарни, амма-холаларни, амаки-тоғаларни, бувилару боболарни кўргани бориб, уларга яхши нарсаларни илинишган, ҳайиттлик беришган. Бундай ташриф, йўқлов кексаларнинг бошларини осмонларга етказарди. Улар қўлларини очиб, ширин-ширин дуолар қилишарди. Ўртада меҳр-оқибат, хуш кайфият устувор эди... Ҳаммамиз ҳам бугун бундай эзгуликларга вақт топяапмизми?!

Ҳа, миллийлик меҳрдан, садоқатдан бошланади. Дунёни ҳам, аввало, шу фазилатлар ушлаб туради. Мамлакатимизда яратилган қадимий «Авесто» китобида ҳам яхши иш, яхши хулқ, яхши амал, оқила ва андишали бўлиш, меҳр-оқибат... алоҳида таъкидланган.

Қани энди, ҳар биримиз шундай яшасак, шундай меҳнат ва ижод қилсак, дид билан кийинсак, одоб билан сўзласак, ана ўшанда миллатимиз овози, миллатимиз қиёфаси, миллатимиз тантилиги янада баралла намоён бўлади. Бошқа халқларнинг ҳавасини келтириб, кўзини қувонтиради ва бундай эзгулик асрлардан асрларга ўтаверади. Ана ўшанда биз Ўзбекистонни, ўзбек деган шарафли номни янада юксакларга кўтарган бўламиз.

Муаллиф ҳақида: *таниқли журналист Санъат Маҳмудова 30 йилга яқин «Саодат» таҳририятида ишлаган. «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси, «Олтин қалам» танлови совриндори. Ҳозир Қува туманидаги Бўстон қишлоғида яшайди.*

Тўрақўрғон туманида яшовчи каттаю кичик уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Собиржон ота Бадалов номини ҳурмат билан тилга олишади. Дарҳақиқат, 1000 ойнинг юзини кўрган бу инсон ўзининг онгли ҳаётини қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга, ёшларнинг ватанга муносиб ворис бўлиб етишишлари йўлида куч-ғайрат сарфлади.

Тиниб-тинчимас отахон ҳозирда ҳам тумандаги фермер хўжаликларида бўлиб, ёшларга деҳқончилик борасида қимматли маслаҳатлар бериб, уларга ёрдамлашмоқда.

Унинг набираси Нодирбек Собиров ҳам етти йилдан буён "Нодир" фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Табиийки, фермер хўжалигининг меҳнат ютуқларида бобосининг тажрибаси қўл келмоқда.

СУРАТДА: Собиржон ота набираси Нодир билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Энг яхшиларнинг яхшилари

Ўтган йили Қашқадарё вилоятида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Бугунги кунда эса деҳқончилик ва чорвачилик билан бир қаторда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўяётган фермерлар сони тобора ортмоқда.

«Ташаббус-2007»

Президент соврини учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида фермерлик ҳаракатида юз бераётган бу ўзгариш яққол кўзга ташланди. Унинг туман босқичларида юздан ортиқ фермер қатнашган бўлса, вилоят босқичида эса Нишон туманидаги «Хўжаёр ота» фермер хўжалигининг раҳбари Тўра Раҳмоновнинг олдига тушадиган топилмади. «Ташаббус — 2006»да «Энг саховатли фермерга» деб аталган совринга сазовор бўлган Т. Раҳмонов бу йил мамлакатимиздаги энг яхши фермерга бериладиган бош мукофотга даъвогарлик қиладиган бўлди. Интилганга толе ёр, деб бежизга айтилмаган, ахир.

Ўзининг юқори сифатли макарон маҳсулотлари, ширинликлари билан танилган Қамашидаги «Микрон-М» масъулияти чекланган жамияти раиси Олим Чўлиев «Энг яхши тадбиркор», қаршилик миниатюрачи рассом Карим Олимов «Энг яхши ҳунарманд» йўналишлари бўйича танлов ғолиблари бўлишди. Улар «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг мамлакат босқичида иштирок этишади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мақсад холис эди

Газетамизнинг бултурги 27 декабрь сонида "Қонун қоғозда қолмасин" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Хўжаобод туманидаги Манак қишлоғида яшовчи тадбиркор Рустам Мамадалиевнинг фаолияти билан боғлиқ қинғирликлар ҳақида сўз юритилганди. Мухбиримиз бу муаммонинг сабаби бошқа масъул идоралар қатори прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бўлими ушбу масала бўйича ўз фикрини билдирмаганида, туман вакили Абдуманноб Аҳмаджонов сохта тадбиркорнинг ножўя ишларига етарли баҳо бермаганида, деган фикрни билдирганди.

Шу муносабат билан Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментидан мактуб, янаям аниқроғи, эътирознома олдик. Унда таъкидланишича, Рустам Мамадалиев шу кунга қадар солиқ идорасига белгиланган тартибда солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб келган. 2006 йил 18 сентябрда туман инкассация бўлими билан тузилган шартномага асосан 27 декабрга қадар банкка 802,6 минг сўм нақд пул топширган. У савдо дўкони сифатида фойдаланаётган қозонхонага 10 октябрда назорат-касса машинаси (НКМ) ўрнатилган. Департаментнинг Хўжаобод тумани бўлимига Р.Мамадалиевнинг фаолияти юзасидан мурожаат қилинмаган ва унинг фаолияти текширилмаган. Департамент органларида "Абдуманноб Аҳмаджонов" исмли ходим умуман ишламайди.

Эътирозномани ўрганиш жараёнида Департамент органларида, ҳақиқатан ҳам, Абдуманноб Аҳмаджонов исм-шарифли ходим ишламаслиги, мухбиримиз Одилжон Шодмоналиев телефондаги оғзаки гапга ишониб, чалкашликка йўл қўйгани аниқланди. Муҳокама асосида мухбиримиз хатосини тан олди, унга тегишли интизомий чора кўрилди.

Биз Департаментнинг туман бўлимига ҳеч ким Р.Мамадалиевнинг ножўя хатти-ҳаракатлари тўғрисида мурожаат қилмагани ҳақидаги фикрни ҳам, муқаддам вилоят газетасидаги ушбу мавзуга доир чиқишларда Департаментга нисбатан фикр билдирилмаганини ҳам инкор этмаймиз. Айни чоғда, масаланинг бошқа жиҳатини ҳам эсдан чиқармасликни лозим деб ҳисоблаймиз.

Гап шундаки, Р.Мамадалиев ва шифо маскани ўртасидаги

Мавзуга қайтиб

можаро 2004 йил 22 январда фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судида кўриб чиқилиб, ўзаро келишув битими тузилгани тўғрисида ажрим чиқарилган. Аммо Р.Мамадалиев ажрим шартларини бажармаган. Шу боис суд ижрочилари унга нисбатан чора кўришни сўраб, судга мурожаат этишган. Бундан ташқари, "Андижоннома"даги дастлабки мақоладан сўнг вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси етакчи мутахассиси, Хўжаобод тумани бош меъмори, кўчмас мулк кадастр хизмати бошлиғи, "Манак" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ҳамда томонлар вакилларидан иборат комиссия юзага келган вазиятни жойида муҳокама қилган. Пировардида туман ҳокимлиги ва собиқ Ҳамза номли ширкат хўжалигининг Р.Мамадалиевга қурилиш учун ер ажратишга оид қарорлари мавжуд эмаслиги, туман ҳокимлиги комиссиясининг ер танлаш тўғрисидаги далолатномаси амалдаги тартиб-қоидага мувофиқ тўлдирилмагани маълум бўлган. Шунингдек, тадбиркор лойиҳа-смета ҳужжатларини рисоладагидек расмийлаштирмасдан, архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсат олмасдан қурилиш ишларини бошлагани аёнлашган. Шунга кўра, у ўзбошимчалик билан тиклаган бостирма ва девор бузиб ташланиши зарурлиги хусусида хулоса чиқарилган. Бироқ Р.Мамадалиев, одатдагидек, комиссия хулосасини ҳам менсимаган. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, "Қонун қоғозда қолмасин" мақоласида асосий эътибор тадбиркорнинг савдо-сотиқ борасидаги қонунбузарлигига эмас, балки ўзгалар ерини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганига, қатор ташкилотлар қарорлари ва талабларига бўйсунмаётганига қаратилган. Шохобчада назорат-касса машинаси (НКМ) йўқ деган жумла мутлақо ишлатилмаган. Аксинча, Р.Мамадалиев туман ҳокимлигининг етакчи мутахассиси А.Нишонов ва мухбиримиз кўз ўнгида харидорга 30 дона шифер сотиб, НКМга чек урмагани ва бу ҳаракатни электр чироғи ёниб турган бир пайтда ток йўқлигига йўйгани эслатилган, холос. Давомини суриштирсангиз, ноқонуний очилган дўконга НКМ ўрнатиш, инкассация шартномаси тузиш ва банкка пул топшириш ишлари вилоят газетаси танқидидан сўнг амалга оширилган. Унгача шохобчада НКМ бўлмаган. Р.Мамадалиев қонунга хилоф равишда савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган.

Бу билан биз холис ниятда қўлига қалам олган мухбиримиздан ўтган, масаланинг туб моҳиятига салбий таъсир ўтказмайдиган чалкашликни рад этмоқчи эмасмиз. Бинъаксе, Департамент ходимларидан узр сўраган ҳолда, иш жараёнидаги айрим хато-камчиликлар баҳонасида ҳақ-ҳуқуқ талашиб, яккаш бир фикрни ушлаб олгандан кўра, жамиятимиз тараққиётига раҳна солаётган қонунбузарликларга қарши ҳамкорликда курашсак, айни муддао бўлишини таъкидламоқчимиз. Департамент масъуллари фикримизга қўшиладилар, деган умиддамиз.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Фернандо Араухо Колумбиянинг янги ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллади. У бундан бир неча ҳафта олдин исёнчилардан қочиб қутилганди. Араухо олти йил давомида мамлакатдаги Колумбия инқилобий қуролли кучлари ташкилоти жангарилари қўлида асирликда яшади. Айни пайтда мазкур ташкилот 59 нафар юқори мартабали шахсни гаровга олган. Хукумат кучлари ва жангарилар ўртасидаги куролли зиддият бир неча ўн минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда.

Эронда кенг қўламли ҳарбий ўқув машғулотлари бошланди. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Иктидар» деб номланган мазкур машқлар мамлакатнинг 16 та музофотида ўтказилмоқда. Теҳрон расмий вакилининг билдиришича, мазкур ҳарбий тайёргарликни ўтказишдан мақсад мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашдир.



Франция парламенти мамлакат конституциясига учта ўзгартиш киритди. Булар республика президенти мақоми, Янги Каледонияда сайлов ҳуқуқи ва мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш масалаларига тегишли. Хусусан, биринчи қонун лойиҳасида давлат раҳбари унинг мандати даврида ҳеч қандай маъмурий ва жиноий жазога тортилмаслиги кўзда тутилган. Эндиликда Франция президенти ҳатто судда гувоҳлик ҳам бермайди.

Март ойига қадар бир баррель нефть нархи 30 долларга тушиб кетиши мумкин. Бу ҳақда лондонлик экспертлар огоҳлантирмоқда. Ўтган ҳафта охирида ОПЕКга аъзо давлатларда «қора олтин»нинг нархи 53 долларгача тушганди.



Лондондаги метро хизматчилари иш ташлашмоқчи. Улар ойлик маошларининг оширилишини талаб қилишмоқда. Мазкур масала Буюк Британия транспорти касаба уюшмасида овозга қўйилди. Унда 3 минг нафар транспортчи иштирок этди. Ҳозирча иш ташлаш вақти маълум эмас.

Хабарингиз бор, Дехлидан Покистоннинг Лахор шаҳрига жўнаган йўловчи поездида портлаш содир этилди. Лекин шу пайтга қадар бирорта террорчи гуруҳ мазкур фожиани ўз зиммасига олгани йўқ. Кеча бир киши ушбу хунрезликни амалга оширишда гумон қилиниб, воқеа жойида қамоққа олинди. Унинг исм-шарифи ошкор этилмаяпти. Дастлабки текширув хулосаларига кўра, ёнилғи тўлдирилган шишалар вагонларга жойлаштириб чиқилган ва тун ярмида портлатилган.



Хитой Россиядан электр энергияси сотиб олишни тўхтатди. Бунга сабаб экспорт қилинаётган электр энергиясининг нархи икки баробарга оширилганидир. Икки томонлама имзоланган шартномага кўра, Россия Хитойга 1,4 миллиард киловатт-соат электр энергияси етказиб бериш лозим эди.

Украина 300 минг километрлик газ қувурини давлат ихтиёрига ўтказмоқда. Шу мақсадда «Газ Украины» компанияси «Укргазсети» шўъба корхонасини ташкил этди. У мамлакат ҳудудидаги газ қувурларини назорат қилади. Шу пайтга қадар ушбу тармоқ 41 та хусусий компания қўлида эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Пахта Банк»да

янги

«Ҳимоя» ҳамда «Талаба»

жамғарма омонат турлари жорий этилди.

Омонатларнинг сақлаш муддати — 6 ой ҳамда 1 йил бўлиб, исталган вақтда омонатингизга қўшимча қилишингиз мумкин.
Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади ва сиз омонат учун ҳисобланган фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

Ҳурматли фуқаролар, муҳтарам талаба ёшлар маблағингизни ишончли қўлларда сақланг ва кўпайтиринг.

Омонатингизни ишончли сақлашга ва кўпайишига кафолат берамиз! Сизларга тезкор ва сифатли банк хизматларини кўрсатишдан бағоят хурсандмиз.

Омонатга қўйилган маблағингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан ҳам кафолатланганлигини унутманг.

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«Асака» банки

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳридаги қуйидагилардан иборат бўлган мол-мулк мажмуасини сотади:

- ишлаб чиқариш корпуси (2647 м2);
- икки қаватли маъмурий ва маиший корпуси (314,9 м2);
- трансформатор станцияси;
- махсус чанг камераси ва қозонхона биноси;
- устахона биноси;
- қуриқлаш хонаси ва омборхона металл бостирмаси (1080 м2).

Мазкур мажмуа 2,58 гектар умумий ер майдонига эга бўлиб, темир бетон девор билан ўралган ҳамда темир йўл тармоғи мавжуд.

Маълумот учун телефон: (371) 120-82-72.

«АБИТУРИЕНТ — 2007»

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА

кириш имтиҳонлари — тестга мукаммал технология асосида тайёрланишни хоҳлаган ёшларни (жумладан, 10-11-синф ўқувчиларини ҳам)

МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАН ТАЙЁРЛАЙДИ.

Дарсларни университетнинг юқори малакали ўқитувчилари олиб боради.
Ўқиш муддати — 5 ва 3 ой.
Ўқиш — 1 март ва 1 майдан бошланади.
Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., «Университет» к., 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, 7-қават, 708-хона, «Олий математика» кафедраси. Телефон: 396-82-40. Ички телефонлар: 270, 263.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

хизмат бинолари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги воситалар — ёнғин хавфсизлиги учун мўлжалланган енг (пожарные рукава), ўт ўчириш воситалари (огнетушитель) харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Таклифлар 2007 йил 15 мартгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй. Телефон: 120-76-00, ички телефон: 26-05.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ишончли ва сифатли

«АКВАФОР» фильтрларини сотиб олинг

Ҳар бир инсон тоза, организм учун зарарсиз сув истеъмол қилишни истайди. Лекин катта шаҳарларда бунга эришишнинг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Сабаби, бундай шаҳарларга келадиган ичимлик суви аввал ҳавзаларда йиғилиб, тозаланади. Шу жараёнда ҳавзаларга оқава сувлар, сизот сувлари қўшилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳавзаларда сув бактерияларни ўлдирувчи хлор билан қайта ишланади.

Бироқ хлорланган сув жўмракка етиб боргунга қадар сув таъминоти тизимидаги мавжуд органик моддалар билан ўзаро таъсирга киришади. Натижада, инсон организмига, айниқса, аёллар ва болаларга зарар етказадиган, хлорорганик вужудга келади. Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг шифокорлари ва олимлари сувда мавжуд бўлган хлор аллергияни кўзғаб, айрим касалликлар ривожини тезлаштиришини исботлашган. Ҳаттоки, обдон қайнатиш ҳам сувни тоза, соғлиғингиз учун бутунлай хавфсиз қила олмайди. Сувнинг хлорлик даражаси юқори бўлган минтақаларда яшовчи кишиларга тадқиқотчилар сувни тозалаш учун кўмирли фильтрлардан фойдаланишни тавсия этишади. Сувни уйда фильтрлаш ҳар бир киши учун энг мақбул усуллардан ҳисобланади.

«АКВАФОР» компанияси сувни тозаловчи фильтрлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Фирма ташкил этилганидан бери 13 йилдан ошиқ вақт ўтди ва унинг фильтрлари ишончлилиги, сифатлилиги билан шуҳрат қозонган.

Россиялик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган «АКВАФОР» фильтрларининг афзаллиги шундаки, улардан узоқ вақт фойдаланилган тақдирда ҳам аввал тутиб қолинган зарарли моддалар қайтадан сувга тушмайди. «АКВАФОР» фильтридан ўтказилган сув хлордан ва органик бирикмалардан, оғир металлардан тозаланади. Микроорганизмлар қолдиқлари эса кумуш микрокристалл «кластер» ёрдамида фильтрда йўқ қилинади. Тозалангандан сўнг сувдаги бактериялар бир неча минг мартага камаяди.

«АКВАФОР» фильтларида тозаланган 1 литр сувнинг нархи 20-30 сўмни ташкил этади. Бу эса шишали сув харид қилишга нисбатан анча арзондир. Бунинг устига, «АКВАФОР»нинг ҳозирда мавжуд моделлари турли иқтисодий ва молиявий имкониятларга эга истеъмолчиларга мўлжалланилганки, ҳар бир киши ўзига мақбул ва мосини танлаши мумкин.

Кўзасимон нусхадаги «АКВАФОР Гарри», «АКВАФОР Гратис», «АКВАФОР Премиум» фильтрларидан, «Модерн» моделларидан уйда ҳам, дала-ҳовлида ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу бежирим моделлар ҳар қандай беканинг ошхонасини безай олади. Уларни ҳозирги кунда яқинларига совға сифатида харид қилиш одатга кирмоқдаки, бу уларнинг саломатлиги ва узоқ умр кўришлари учун қайғуриш белгиси сифатида таъкидга муносиб.

«АКВАФОР» фильтрларининг сифати «Ўздавстандарт», Россия токсикология институти, Россия ва Европа давлатларининг бошқа муассасалари томонидан берилган сертификатлар билан шаҳодатланган.

«АКВАФОР» фильтрлари билан тозаланган сувдан фойдаланинг ва доимо саломат бўлинг!

«АКВАФОР» фильтрларини харид қилиш масалалари бўйича алоқа телефонлари: 332-97-27, 152-71-85.

Қурувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига!

- қурилишда ишлатиладиган ўлчов-тадқиқот асбоб ускуналари;
- бузмасдан текшириш ва техник диагностика ўлчов асбоблари;
- оптик ва рақамли нивелирлар, оптик ва электрон теодолитлар;
- лазер ва электрон масофа ўлчагичлар;
- фиберглас ва темирли узунликни ўлчовчи рулеткалар (3 м, 5 м, 8 м, 20 м, 25 м, 50 м, 100 м);
- электрон тахеометрлар, GPS/ГЛОНАСС – тизимлари, GARMIN шахсий ва автонавигаторлари.

Тўловни узайтириш имконияти билан, божхонада расмийлаштирилган ва сертификатланган GPS тизимларини таклиф этамиз.

Кредитга расмийлаштириш имконияти

Навоий кўчаси, 2-«А»уй. Тел.: 142-46-31, 134-53-66. Факс: 134-53-68.
E-mail:geo_inform@yahoo.com
Махсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияга эга.

СКБ СТРОЙПРИБОР SOUTH Trimble B.V.(Нидерланды)

Мушоҳада

Ҳудуди 20,8 минг квадрат километрни ташкил этадиган Сурхондарёда атроф-муҳитга йилига юз минг тоннадан кўпроқ заҳарли модда тарқалади. Соғлиғимизга жиддий хавф туғдириб турган бу чиқиндиларнинг фарроши — дарахтлар. Бир туп дарахт йил давомида 250-300 килограммгача ис газини ютиши мумкин. Муаммони ҳал этмоқ, фалокатнинг олдини олмоқ учун, демак, кўчат қадамоқ, боғ-ўрмонларни кўпайтирмоқ керак.



Ниҳол — ҳали дарахт эмас

УНГА ЭЪТИБОР, НАЗОРАТ ВА МЕҲР КЕРАК! ҲИКОЯМИЗ ШУНДАЙ ФИДОЙИ ИНСОНЛАР ҲАҚИДА

Кўчат экиш ишларини-ку воҳада ёмон деб бўлмас. Биргина ўтган йилнинг ўзида томорқа ва далаларга икки миллион тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари қадалди. Шундан икки баравар кўп манзарали дарахт кўчати ўтказилди. Бу, билсангиз, бир йилнинг ўзида қарийб 10 минг гектарлик ўрмон ва мевали боғларга замин яратилди, дегани.

Лекин дарахтзорларимиз қадаган кўчатларимизга яраша кўпайиб бораяпти, деб айтолмаймиз. Ўрмонларимизнинг улуши жами ҳудудимизнинг 3,5-4 фоизидан ошмаяпти. Ҳосил бериб турган мевали боғ ва узумзорлар эса жами суғориладиган ерларга нисбатан олти фоизини ташкил этади. Томорқаларимизнинг ҳам нари борса ўндан икки қисмини дарахтларга ажратганмиз. Улгуржи бозордаги ишкалликлардан ва мева-узумни қайта ишлаш юмушлари сустлигидан боши оғриган миришкорнинг ишкомлари ҳосилдорлиги ҳаминқадар.

Ниҳол — дарахт дегани эмас. Бироқ ниҳол тугул ўз қўлимиз билан вояга етказган дарахтларни асраб-авайлашга бўлган эътиборсизлигимиз ўзимизга қимматга тушаётгандай. Масалан, ўн минг туп дарахтдан иборат Термиз лимонзорининг бугунги абгор ҳолати, бемаврид шамолу қум кўчкиларига қалқон бўлиб турган «Каттақум» ўрмони бошига қишлоқларга туташ томонлардан устара юрита бошлангани, Сурхон дарёсининг 175 чақиримга чўзилган ўзанини баҳор тошқинлари ювиб кетгани, бандихонлик, қизиқиклик фермерларнинг зовур-жарликларга яқин ерларида ўпирилишлар ҳосил бўлаётгани, энг ғалатиси, ўзини фаҳму фаросатли деб билган айрим кимсаларнинг тап тортмай дарахтларга болта солиши, кўчатларни пайҳон қилиши каби манзараларни кўрганингиздами...

— Дарахт ўстириш жуда мураккаб иш эмас. Аксинча, бундан-да завқли юмуш борми? Дарахтлар одамнинг чарчоғини, хафагазаклигини, тафтини олади. Нафақат одам, бутун борлиқ дарахтларга суяниб яшайди, — дейди Шеробод туманидаги «Оазис» хусусий фирмаси бошлиғи Абдусодиқ Турдиев.

— Турдиев боғпараст, дарахтсевар одам. Яхшиси, келинг, шунақа одамлардан гурунг очайлик. Шоядки, биз эслай бошлаган муаммолар ечимига уларнинг ибрати калит бўлса.

Ана энди шу Абдусодиқни олинг. Юрарди ўзининг ошхонасида пиширилган манти-сомсаларнинг ширинлиги ҳақидаги мақтовлардан боши айланиб. Бир куни денг, у чўққисоқол бир одам - Суюн Ёқубов билан танишиб қолди. Ёқубов Абдусодиқнинг мантиларини эмас, ўзининг анорлари ҳақида гапирди.

— Бўғинларим оғрирди. Жигарим санчарди, толиқардим. Анор эк-дим-у, бу инжиқ хасталикларим кўтарилди-кетди, — деди.

— Анорнинг меваси шунчаларк шифобахшмикан? — деб сўради Абдусодиқ.

Ёқубов кулди. Анор ва бошқа жами дарахтларнинг мевасидан кўра, одамга уларнинг меҳнати даво, шифобахш, деди.

Абдусодиқ китоб кўрган тадбиркор эмасми, Ёқубовнинг фалсафасига бир кулиб қўйган бўлиб, ҳамсуҳбатининг қанча анорзори борлигини, ундан йилига қанча даромад кўришини суриштирди.

Ёқубов ҳам бу саволга олдинига кулди, сўнг 13 сотихлик анорзоридан йилига битта янги машина сотиб олишга етадиган анор сотишини айтди. Ва пайти келадики, ўша янги машинанг бир дона ернинг таблеткасига, бир карра нафас олишга арзимай қолиши мумкин, деди.

Шу гурунг сабаб бўлди-ю, Абдусодиқ Кампиртепа қишлоғига борди. Ёқубовнинг анорзорини, пайкалда қилинган меҳнатни кўриб, у боғбоннинг ўнгиридан маҳкам ушлади. Юрган эканмиз-а, «сомса кетди, лағмон кетди» деб.

Энди бир боғ яратмасам, Содиқбой отимни бошқа қўяман деб бел боғлади. Энди, мана, Абдусодиқнинг ҳузурига боғ кўргани келинг. Анорзор! Яна оз эмас — ўн гектар. Яна дарахт ўстириш одамнинг хаёлига келмаган яйдоқ бир адирликда. Яна бир анорлар-ки, устози Суюн Ёқубовникидан қолишмайди. Яна боғдорчиликни тиб, физика, кимё қонунларига боғлаб бир гапларни гапирадики, янги-янги ҳикмату фалсафа. Яна шунча ташвишу меҳнат билан руҳияти шунча ойдин ва тиниқки, режа-орзулари ишларидан кўра минг марта зиёда.

Абдусодиқни ҳар гал ўйлаганимда, Сурхондарёда ҳам ҳақиқий боғбонлар сафи шакллaнаётгани хаёлимдан ўтаверади. Ана, «Газарак» деб аталмиш бутун бир адирликни мевали боғларга айлантириб юборган, воҳада лалми боғдорчиликни йўлга қўя билган сариосиёлик Носир бобо Тўрақулов. Носир бобо етиштирган кўчатлар ҳовлисига, йўл, ариқ бўйларига сиғмай кетди. Тоғ ён-бағирларини тўлдирди. У яна нав танлаб экди. Бир дарахтда беш хил мева етиштира олди. Ўтказган кўчатларини, ўзининг таъбири билан айтсак, итдек бўлиб қўриқлади. Дарахт дардингни олади, дегани қуруқ гап эмас эканки, Носир бобо саксон ёшга кириб, узангисиз отига минади. Ўн чақирим наридан чиққан сасни сезади. Невараларининг, мевалари нинг пулига бобо қишлоғида мактаб қурди, йўл солди, кўприк тузатди, деган мухбирнинг мақтовлари ёзилган газеталарни у дарахтларига ўқиб бермоқчи бўлади.

Биз, ҳаммамиз, қани эди, дарахтлар билан Носир бобо мисол гаплаша олсак. Қани эди, шўрчилик Тўхта фермер мисол, Эшбой чўпон мисол Ўртабуз, Озод деб аталган дашт қишлоқларида қуюқ дарахтзорлар яратолсак. Ё бўлмасам, жарқўрғонлик Бадалхон Бўриевдек ҳиммат кўрсатиб, узоқ-яқинларимизга йилига мингталаб ноёб кўчатларни ҳадя этсак. Кўчамизнинг четидами, ариқларимизнинг рошидами, япроқ ёзган ниҳолни кўз қорачиғидай асрай олсак. Иш кунимизнинг озгина бўлагини дарахтларга бахш эта билсак.

Шундан кейин кўринг-да миллионлаб кўчатларимиз миллионлаб дарахтларга айланишини! Ям-яшил заминимизга ҳамоҳанг бўлиб вужудимиз эркин ва енгил нафас олишини!

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар мавзуида янги спектакль

Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида «Жаҳаннамга бир қадам» спектаклининг тақдимоти бўлди. Ёш авлод тарбиясига бағишланган бу саҳна асарида эзгулик ва қабоҳатнинг илдизлари ёркин образлар орқали очиб берилган. Пароканда оилада туғилиб ўсган айрим ёшларнинг ўғирлик, талончилик, бузуқлик йўлига кириб, охир-оқибатда ҳаёти барбод бўлганлиги ҳақидаги саҳна асари томошабинларда бола тарбияси учун чуқур масъулият ҳиссини уйғотади, огоҳликка даъват этади.

Спектакль И.Турсунов ва С.Одиловнинг «Беҳуда ўтган умр» пьесаси асосида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Карим Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган. Бош ролларни ёш актёрлар Ўткир Бойқобилов, Анвар Турсунов, Холдор Холниёзов, Ориф Маматов, Нилуфар Жалилова ижро этишган.

Ўз мухбиримиз.

Российский линолеум
Производство
ЩекиноАзот г. Тула,
Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:
ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).
Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Россияда ишлаб чиқарилган
«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН
замонавий электрон газ ўлчагичлари.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).
Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
RUBEZH
ADI International
Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
НАДЁЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ
Охранно-пожарная контрольная панель управления (Пр-ва России) - 8-40 зон : от 108 000 сум
Датчики дымовые оптико-электронные (Пр-ва России): от 10 000 сум
ЕВРОПЕЙСКОЕ КАЧЕСТВО - ПРОВЕРЕННОЕ ВРЕМЕНЕМ
по цене от 11 000 сум за датчик Is215 и 150 000 сум за панель SYS2316
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Спорт

Тошкентдан Мельбурн ҳавзаларига

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида сузиш бўйича мамлакат қишки чемпионати якунланди.

Бу сафарги беллашувларда ҳам андижонлик спортчилар бошқа вилоят вакилларига қарагандa анча кучли эканлигини намойиш этдилар. Шу вилоят вакили Мафтуна Тўхтасинова 100 метрга чалқанча, 200 метрга комплекс ҳамда 200 метрга баттерфляй усулда сузиш бўйича уч марта шоҳсупага кўтарилди.

Шунингдек, қизлар ўртасида Раъно Аманова (Андижон), Анна Фомина, Ирина Шлемова (Навоий), Елена Лисицкая (Тошкент)-лар совриндорлар сафидан жой олишди.

Ўғил болалар ўртасида Андрей Морковин, Дмитрий Логинов, Адонис Ганиев, Сергей Паньков (Тошкент), Собит Даминов, Шоҳруҳ Юнусов (Андижон), Ибрагим Назаров, Пётр Ромашкин (Навоий)-лар чемпионат медалларига сазовор бўлишди.

Ҳозир спортчиларимиз март ойи охирида Австралиянинг Мельбурн шаҳрида бўладиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўришмоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нафис бир дунё кетди...

Ўзбекистон халқ артисти Ҳожиакбар Нурматовнинг тўсатдан вафоти ҳақидаги хабар кўпчиликни эсанкиратиб қўйди. Бу совуқ хабар истеъдодли актёрни таниган-билган кишиларга, минглаб мухлисларига томдан тараша тушгандек ёмон таъсир қилди. Улар бир-бирларидан сўраб-суриштира бошладилар:

Хотира

— Кечагина телевизордаги бир кинода Ҳожиакбарнинг кино қаҳрамонига берган овозини эшитиб, маза қилгандим. Дубляж ноёб бир овоздан ажрадими, энди?

— Яқинда «Бир кам дунё» фильмида кўрувдим-ку, наҳотки...

— Анчадан бери соғлиғининг мазаси йўқ деб эшитгандим.

Бундай гап-сўзларга Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов нуқта қўяди:

— Олим Хўжаев, Саъдихон Табибуллаев, Амин Турдиев каби забардаст устозларни кўрган, уларга эргашган ва улардан ўрганганлардан бири Ҳожиакбар бўлади. У менинг курсдошим, тенгдошим, дўстим ва саҳнадошим эди. Унга ҳамиша ҳавас қилардим. Кўп йиллар бирга ишладик. Бетакрор истеъдоди ва ички туғёнининг кучлилиги билан ҳаммамиздан ажралиб турарди. Саҳнадаги, кинодаги, видеофильмлардаги ажойиб роллари, дубляждаги ноёб овози билан ўзига ҳайкал яратиб кетди у.

— Унинг вафотини эшитиб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим, — деб давом этди Эркин ака. Ҳалиям ишонганим йўқ, унинг кетганига. У мен учун энг азиз ва қадрдон ҳилқат эди. Соғлиғи панд бериб қўймаганида ҳали кўп яшарди. Ўн йил мобайнида дўхтирма-дўхтир югуриш, касалхоналарда ётиб даволаниш охири ўз ишини қилди-да. Тупроққа топшириб келган кунимиздан буён унинг жарангдор овози қулоғим остига жойлашиб олгандай. Мен уни тинглайверамантинглайвераман... Кейин кўз ёшларим оқа бошлайди... Ўлим шундай бешафқат бўларкан.



Дўстимнинг орамиздан кетиши санъатда жуда катта йўқотиш бўлди. Ўрни тўлмайдиган йўқотиш. Шундай саҳнага садоқатли санъаткор ҳар йили туғилавермас... Начора, Оллоҳнинг иродаси шу экан. Охирати обод бўлсин, дейман-у, унинг сафимиздан кетганига ҳеч ишонгим келмайди.

Г. ҲУСАНОВА.

Эринмаган одамлар

Ошхонадаги имтиҳон

Азалдан Шарқ мамлакатлари халқлари ўз қадриятларини улуғлаб келган. Улар орасида Японияннинг ҳам алоҳида ўрни бор. Яқинда японияликлар ўз анъаналарини сақлаш учун антиқа усулни ўйлаб топдилар. Эндиликда кунчиқар юртдаги мактабларга ҳужжат топшираётган абитуриентлардан таёққаларда миллий таомларни ейиш бўйича қўшимча имтиҳон топшириш талаб этилади.

Имтиҳонда абитуриентлар бир ликопчадан иккинчисига кичик тўғралган маҳсулотларни олишлари керак. Мактаб раҳбарларининг билдиришларича, таёқчадан тўғри фойдаланган талаба кейинчалик ҳаётда қоқилмас экан.

Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси академик **Галина Анатольевна ПУГАЧЕНКОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Дильмир Халиловга волидаи муҳтарамаси **Фароғат ая ХАЛИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, давлат мукофотлари совриндори **Галина Анатольевна ПУГАЧЕНКОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг яқинларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистон халқ артисти, театр ва кино актёри **Ҳожиакбар НУРМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси бизнес ва иқтисодиёт кафедраси профессори Муҳиддин Мирсаидовга акаси **Зайниддин МИРСАИДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази жамоаси марказ директори Зафар Сидиқовга волидаи муҳтарамаси **МУҲТАРАМ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзқишлоқўзаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси Навоий вилояти филиали директори **Муҳаммад ТЎЙЧИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.25 Топширилди — 21.25 12345